

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида жорий йилнинг
1-чораги давомида коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал
қилиши ҳақида
ҲИСОБОТ**

I. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида коррупцияга қарши чора-тадбирлар дастури бажарилгани тўғрисида умумий ахборот

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг 2021 йил 6 октябрдаги “Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши бошқарув аппаратининг тузилмаси тўғрисида”ги 481-сонли Президиум қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши бошқарув аппарати тузилмасида Коррупцияга қарши ички назорат бўлими ташкил этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2024 йил 20 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш бўйича” 01-09/21-01/48-сонли иш режаси тасдиқланди.

Коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш мақсадида Вазирлар Кенгаши, идоралар ва туман (шаҳар) ҳокимликлари ходимлари орасида мунтазам тушунтириш ва тарғибот тадбирлари ўтказиб борилмоқда.

Жорий йилнинг 13 март куни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81-сонли Қарорига мувофиқ “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш” мавзусида туман (шаҳар) ҳокимликларининг коррупцияга қарши курашиш масаласига масъул ходимлари иштирокида ўқув семинари ўтказилди.

II. Сиёсат ва тартиб-таомиллар

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2024 йил 28 мартдаги 04-06/21-03/322-сонли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

III. Хавф-хатарларни баҳолаш

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2024 йил 20 февралдаги 04-07/131139-сони топшириғига асосан Вазирлар Кенгаши ходимларининг функция ва вазифаларидаги коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш ўтказилди.

Дастлабки баҳолаш жараёнида Вазирлар Кенгаши бошқарув аппарати барча ходимлари ва уларнинг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб қўйилган жами 89 та функция ва вазифалари таҳлил қилиниб, коррупция хавф-хатари мавжудлиги баҳолаб чиқилди ва коррупциявий хавф-хатарлар бирлашган

харитаси ишлаб чиқилди. Харитага кўра, 89 та таркибий бўлинмаларда 71 та лавозимларда коррупция хавф-хатарлар баҳоланиб чиқилди.

Мазкур функция ва вазифалардаги коррупция хавф-хатарини бартараф этиш мақсадида, коррупцияга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхати шакллантирилди ва келгусида коррупциявий хавф хатарларни минималлаштириш бўйича Вазирлар Кенгашининг 2024 йилга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар дастурига киритилди.

IV. Амалга ошириладиган коррупцияга қарши курашиш Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида манфаатлар тўқнашуви декларацияланган ва тартибга солинган бўлиб, барча ходимлардан яъни туман ва шаҳарлар ҳокимликлари ходимларидан йиллик манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги бўйича декларация тўлдириб олинди.

Шунингдек, манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича тегишли ички идоравий ҳужжатга асосан ходимлар томонидан ҳисобот даврида тўлдирилган манфаатлар тўқнашуви бўйича декларациялар тегишли масъуллар томонидан таҳлил қилиб чиқилди.

Таҳлил натижаларига кўра 1-чорак Вазирлар Кенгашида манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари аниқланмади.

Шу билан бирга, Вазирлар Кенгаши тизимида контрагент томонидан коррупцияга қарши қоидалар бузилиши ҳолатлари содир этилмаганлиги сабабли шартномалар бекор қилинмаган.

Контрагентларни текшириш:

Жорий йилнинг 1-чоранги давомида Вазирлар Кенгаши томонидан 13 та ҳолатда танланма усулда тегишли масъуллар билан ҳамкорликда ўрганиш тадбирлари ўтказилди. Ўтказилган текшириш натижасида уларнинг фаолияти блокланмаганлиги, чекловлар ўрнатилмаганлиги, манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини келтириб чиқармаганлиги сабабли, харид жараёнларида иштирок этишга ижобий хулосалар берилганлиги аниқланди. Шунингдек, давлат харидларида иштирок этган контрагентларни текшириш бўйича алоҳида реестр ҳам юритилиб борилмоқда

V. Вазирлар Кенгашида коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ходимлар учун Вазирлар Кенгашининг коррупцияга қарши ички назорат бўлими томонидан ҳар ҳафтанинг жума кунлари сиёсий ўқиш (маърифат соати) тадбирлари доирасида семинар ва учрашувларда кўргазмали (презентация) маърузалар билан фаол иштирок этиб борилди.

Давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги билимларини хорижий тажрибаларни пухта ўрганган ҳолда доимий ошириб бориш амалиёти йўлга қуйилди.

Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимликлари фаолияти ва иш юритуви шаффофлигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари тизимида коррупция ва бошқа шу каби ҳуқуқбузарликларни содир этилишини олдини олиш мақсадида, “E-qaror” электрон тизими орқали ҳеч қандай қоғозбозликларсиз электрон кўринишдаги қарорларни қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилган. Эндиликда чиқарилаётган қарорларни тўғридан-тўғри “E-qaror” тизими орқали кенг жамоатчилик бемалол кузатиб бориши мумкин бўлади.

VI. Коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабарлар:

1-чорак давомида Вазирлар Кенгашининг мурожаатлар билан ишлаш бўлимига ҳамда коррупция ҳолатлари ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналларига шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ходимлари устидан бирон бир коррупция фактларига доир мурожаатлар келиб тушмаган.

VII. Мониторинг ва назорат:

1-чорак давомида коррупцияга қарши тизимининг актуаллиги ва унинг қонунчилик талаблари, шу жумладан, халқаро стандартлар талабларига мувофиқлиги мониторинги бўйича шаҳар ва туманлар ҳокимликларида Одоб ахлоқ қоидалари ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича ишлаб чиқилган бошқа ички идоравий ҳужжатларга риоя этилиши юзасидан мунтазам равишда мониторинглар ўтказилиб борилмоқда.

Шунингдек, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ходимларига, коррупцияга қарши курашишнинг устувор йўналишлари, давлат хизматчиларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни ва унга қарши курашиш бўйича ижобий ҳулқни шакллантириш мавзусида ўқув семинарлари ташкил этилди.

Коррупцияга қарши дастурлар, чораклик иш режаларида белгиланган топшириқларни ҳамда йўл ҳаритасида берилган топшириқлар ижросини бажарилиши юзасидан жорий йилнинг 1-чораги давомида 3 та туман ҳокимликларида коррупцияни олдини олиш бўйича амалга оширилган ишлар ўрганиб чиқилди ҳамда соҳага дахлдор қабул қилинган Президент қарорлари ва фармонларининг ижроси ҳам ўрганилиб чиқилди.

VIII. Аниқланган қоидабузарликлар ва уларга таъсир чоралари:

Вазирлар Кенгашининг коррупцияга қарши ички назорат қилиш бўлими томонидан жорий йилнинг 1-чораги давомида коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш бўйича ички идоравий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, ходимлар эътиборига етказилди. Бугунги кунда, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ходимлари томонидан коррупциявий жиноятлар содир этилмаган ҳамда коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилик ва ички идоравий талаблар бузилмаган.

IX. Хулосалар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат

ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сонли қарори ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг 2021 йил 6 октябрдаги 481-сонли Президиум қарорига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши бошқарув аппаратининг тузилмасида Коррупцияга қарши ички назорат бўлими жорий қилиниб, асосий вазифалари этиб “Вазирлар Кенгашида коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш” бўйича бир қатор чора - тадбирлар белгилаб олинди.

Шунингдек, Коррупцияга қарши ички назорат бўлими томонидан Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда, шаҳар ва туманлар ҳокимликларида “Коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш мақсадида, ходимлар орасида қатор семинарлар ўтказилди. Олиб борилган тарғибот тадбирлари натижасига кўра бугунги кунда, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ходимлари томонидан коррупциявий жиноятлар содир этилмаган ҳамда коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилик ва ички талаблар бузилмаган.

X. Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ва тадбирлар режаси:

Вазирлар Кенгаши бошқарув аппаратида бир нафар коррупцияга қарши ички назорат бўлими мавжуд бўлиб, ушбу бўлим Вазирлар Кенгаши ҳамда шаҳар ва туманлар ҳокимликларида коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш чораларини кўришга масъул ҳисобланади.

Коррупцияга қарши ички назорат бўлими томонидан шаҳар ва туманлар ҳокимликларида коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар режаси ва 2024 йилга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Дастури ишлаб чиқилиб, ушбу дастурда берилган топшириқларнинг ўз муддатларда бажарилиши тўлиқ назоратга олинган.

XI. 2024 йилга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Дастури ижроси бўйича:

Дастурда белгиланган тадбирларни амалга ошириш юзасидан куйидаги ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Вазирлар Кенгаши фаолиятида Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш шартлари Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2022 йил 31 августдаги 2-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2022 йил 31 августдаги 5-сонли “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан уларнинг ҳудудий

бўлинмалари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш услубиётини тасдиқлаш тўғрисида”ги кўшма қарори асосида қайта ишлаб чиқилиб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2024 йил 5 январдаги 9-13-0-Q/24 қарори билан тасдиқланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига алоқа каналлари орқали Вазирлар Кенгаши ходимлари, фуқаролар ва контагентлар томонидан коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш регламенти қайта ишлаб чиқилиб, Вазирлар Кенгашининг 2024 йил 5 январдаги 9-13-0-Q/24 қарори билан тасдиқланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига алоқа каналлари орқали Вазирлар Кенгашининг Коррупцияга қарши ички назорат бўлими томонидан ишлаб чиқилган ички идоровий ҳужжатлар расмий веб-сайтда ва бошқа ОАВларда ҳамда коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналларида доимий равишда жойлаштирилиб келинмоқда.

Жорий йилнинг 1-чораги давомида алоқа каналлари орқали коррупцияга оид хабарлар келиб тушмади ва мониторинг натижаларига кўра коррупциявий ҳаракат деб ҳисобланган ҳолатлар аниқланмади ҳамда бу йўналиш юзасидан хизмат текширувлари ўтказилмади.

Шунингдек, жорий йилнинг 1-чораги давомида Вазирлар Кенгаши ходимлари томонидан коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилик ва ички идоровий талаблар бузилмаганлиги аниқланди.

Вазирлар Кенгаши ходимлари коррупцияга қарши курашиш бўйича ички идоровий ҳужжатлар билан мунтазам равишда таништирилиб, коррупцияга қарши асосий талаблар ва тартиб-таомиллардан хабардорлантирилиб ҳамда ушбу талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат ўрнатилган.

Вазирлар Кенгаши ходимларини коррупцияга қарши курашиш бўйича тайёрлаш ва қайта тайёрлашга оид махсус ўқув дастурлари тасдиқланиб, кўлланмалар ишлаб чиқилиб, ходимларнинг ҳар бирига тарқатиб берилган.


Расмий веб-сайтда Вазирлар Кенгашига ишга қабул қилиш, ротация тўғрисидаги эълонлар ва ахборотлар доимий равишда жойлаштирилиб келинмоқда.

Вазирлар Кенгаши манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини олдини олиш ва бартараф этиш бўйича амалий чоралар кўриш натижасига кўра жорий йилнинг 1-чораги давомида манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари аниқланмади.

Коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар жорий йилнинг 1-чораги давомида оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб борилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида коррупцияга қарши курашиш бўйича тадбирларни амалга ошириш ишлари давом этмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Коррупцияга
қарши ички назорат бўлими
бошлиғи



О.Сапаров